Dupli Checker Plagiarism Report

Originality Report

17%	83%	3995	61756
Plagiarized Content	Unique Content	Words	Characters

Primary Sources

1	https://conference.tsue.uz/index.php/y... by Н Қодиров · 2023 · Cited by 2 — ёшларнинг ислоҳотлардаги фаоллигига кўрсатадиган объектив таъсири ҳамда жамиятда...	0.85 %
2	https://www.knute.kiev.ua/index.php/p... The article provides a theoretical analysis of the problem of the influence of modern media on primary school children, because...	0.28 %
3	https://cyberleninka.ru/article/n/intern... by ХМ Бурханов · 2021 · Cited by 1 — кишининг шахслараро муносабатлардаги инновацион ахборот воситаси булиб, тур...	0.57 %
4	https://sudyalaroliymaktabi.uz/uploads... Чунки инсон ўз атрофидаги одамлар таъсирида камолотга эришади. Зотан, инсон жамиятда яшар экан, ундан четда...	0.28 %
5	https://osf.io/x8cn5/download/?format... чиқараётгани, аксарият ҳолларда бундай келишмовчиликлар фуқаролик судларигача етиб ... тармоқларида олиб...	0.28 %
6	https://cyberleninka.ru/article/n/yosh-... англамоқдалар. Бу ҳақида “Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари: халқаро ... Бола ҳуқуқлари....	1.14 %
7	https://itm.uz/wp-content/uploads/20... ралаши, айниқса, эҳтиёт бўлиши ва тенг хуқуқлилик принципларида тарғиб этганлиги учун рағбатлантириш...	0.57 %
8	https://cyberleninka.ru/article/n/yosh-... by ЗА Расулова · 2021 — Шу билан бирга, суралганларнинг 23% "Дуст-дугоналар, танишлардан", 12% "Телевизордан", 5% "Ш...	0.57 %
9	https://www.gazeta.uz/uz/2022/12/15/i... Dec 15, 2022 — Халқаро интернет-каналга уланиш тезлиги сўнгги икки йилда 2,6 бараварга ошиб, 3200 Гбит/с га етди....	0.28 %

10	https://uz24.uz/uz/articles/internet-foy... Dec 15, 2022 · Республика бўйича мобил алоқа қамрови даражаси 99 фоизга, кенг полосали мобил Интернет қамров...	0.28 %
11	https://lex.uz/uz/docs/5466673?ONDA... Сўнгги йилларда амалга оширилган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида Ўзбекистон Республикасида жамият...	0.28 %
12	https://lex.uz/ru/docs/4188851 ... ошириш ҳамда оммавий ахборот воситалари, матбуот, ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона фаолиятини...	0.28 %
13	https://lex.uz/ru/docs/4188795 фуқароларнинг сўз ва ахборот эркинлигига доир конституциявий ҳуқуқларининг рўёбга чиқишини таъминла...	0.28 %
14	https://lex.uz/ru/docs/4188851?ONDAT... ... мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ривожлантиришда оммавий ахборот воситаларининг ролин...	0.28 %
15	https://lex.uz/docs/4188795 ... воситаларининг ролини кучайтириш, медиа-бозорда улар учун тенг шароитлар яратиш, шунингдек, журналистлар...	0.28 %
16	https://ijtimoiyfikr.uz/tadqiqotlar/zham... Jun 30, 2023 — Тадқиқот танловига Миллий доменнинг фойдаланувчилар ўртасида машҳур бўлган “President.uz”,...	2.27 %
17	https://ijtimoiyfikr.uz/tadqiqotlar/siesat... Feb 11, 2023 — Электрон оммавий ахборот воситаларининг медиа базасини ўрганиш доирасида веб-сайтлар мониторин...	0.28 %
18	https://inlibrary.uz/index.php/history-o... by Х Бурхонов · 2022 — Шунингдек, 2010 – 2020 йиллар даврида мобил мессенжерлар яратилиши ёшларни хорижий...	0.57 %
19	https://inlibrary.uz/index.php/history-o... Jan 26, 2023 · Юқоридаги фикрлар истиқболда миллий сегмент сайтларнинг мобил саҳифалари ривожланиб...	0.57 %
20	https://www.tadqiqot.uz/index.php/soc... фойдаланувчилар аудиториясининг кенглиги ва жадал ишлашининг юқорилиги аҳолини жалб этмоқда. Юқоридаги...	1.14 %
21	https://cdn.uza.uz/2022/02/14/12/55/3... Масалан, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, 2021 йилда мамлакатда...	1.14 %
22	https://api.scienceweb.uz/storage/publ... ташкил этади. Бундан ташқари, турли давлат ташкилотларида 584та матбуот хизматларининг ташкил этилганлиги...	0.28 %

23	https://www.yuz.uz/news/internet-va-ij... Интернет ва ижтимоий тармоқларнинг ёшларга таъсири	0.57 %
24	https://yuz.uz/news/internet-va-ijtimoi... Ижтимоий тармоқларнинг ҳамма учун қулайлиги, тезда ахборот алмашиш мумкинлиги, ижтимоий тармоқлар орқал...	0.85 %
25	Plagiarized Content Link WEB2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига...	0.28 %
26	https://lex.uz/docs/4638461?ONDATE=... «14. Бозоров Ғ.Н. — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий...	0.28 %
27	https://lex.uz/en/docs/4390513 Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматла...	0.28 %
28	https://lex.uz/docs/4390513 Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматла...	0.28 %
29	http://aokaxorazm.uz Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиг...	0.28 %
30	https://lex.uz/docs/4188851 Feb 2, 2019 — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий...	0.28 %
31	http://yanko.lib.ru/books/cultur/mol_s... Моль Абраям. Социодинамика культуры: Пер. с фр. / Предисл. Б. В. Бирюкова. Изд. 3-е. — М.: Издательство ЛКИ, 2008. — 41...	0.28 %
32	https://yuz.uz/news/soz-va-matbuot-er... – Инсоннинг ажралмас ҳуқуқи – сўз эркинлиги. Сўз ва матбуот эркинлиги – Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналиши деб...	0.28 %
33	https://www.americanjournal.org/index... ATTITUDE AND REASONS TO THE BIRTH OF BOYS ...	0.28 %
34	https://oak.uz/pages/11997 Dec 20, 2022 — Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузурида...	0.28 %

Замонавий оммавий ахборот воситаларини ёшлар ижтимоий фаоллигига таъсири (Ўзбекистон мисолида)

Қодиров Нажмиддин Неъматович
Халқаро Нордик университети
Ёшлар ишлари ва талабаларга хизмат кўрсатиш департаменти бошлиғи
E-mail: n.qodirov@nordicuniversity.org

Аннотация: Мазкур мақолада интернет ва оммавий ахборот коммуникациялари ёшларнинг ислоҳотлардаги фаоллигига кўрсатадиган объектив таъсири ҳамда жамиятдаги трансформацион ўзгаришларда коммуникатив технологиялар тараққиёти оммавий коммуникацияларнинг ёшлар аудиториясига таъсири тўғрисида маълумотлар берилган. Зеро, бугунги кунда глобал тармоқ ва унинг воситачилигида шаклланиб, такомиллашиб бораётган замонавий интернет оммавий ахборот воситалари анъанавий матбуот турларини истеъмол бозоридан чиқариб бориши давомида инсон онги, дунёқарашига кучли таъсир ўтказмоқда. Ушбу таъсир натижаси ўлароқ инсонларнинг қадриятлари ҳам ўзгариб боришига ўз таъсирини ўтказмоқда. Шу нуқтаи назардан, замонавий оммавий ахборот воситаларини ёшларга таъсири муаммосини тадқиқ этиш ва бугунги кундаги ахборот оқимининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, мазкур жараённинг ижобий жиҳатларидан унумли фойдаланиш, салбий жиҳатларидан муҳофазаланиш йўлларини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллашни илмий асослаш зарурати тобора ортмоқда. Айниқса, бу борада, ҳар қандай жамиятнинг келажак ресурси бўлган ёшларни бу жараёнларда тўғри ривожланиши юзасидан амалий таклифларни шакллантириш долзарбдир.

Аннотация: В данной статье представлена информация об объективном влиянии Интернета и массовых коммуникаций на активность молодежи в осуществляемых реформах и влиянии массовых коммуникаций на аудиторию молодёжи в условиях развития коммуникативных технологий в период трансформационных изменений в обществе. Ведь сегодня современные интернет-СМИ, сформированные и усовершенствованные впосредстве глобальной сети, в процессе вытеснения традиционных видов прессы с протебительсокго рынка оказывают сильное влияние на сознание, мировоззрение человека. В результате этого влияния изменяются и общечеловеческие ценности. В связи с этим растет необходимость исследовать проблему влияния современных СМИ на молодежь и определить особенности сегодняшнего информационного потока, максимально использовать положительные аспекты этого процесса, разработать способы защиты от негативных аспектов и научно обосновать их применение на практике. Особенно в этой связи актуально формирование практических предложений по надлежащему развитию молодежи в этих процессах, которая является будущим ресурсом любого общества.

Abstract: This article provides information on the objective impact of the Internet and mass communications on the activity of young people in the ongoing reforms and the impact of mass communications on the audience of young people in the context of the development of communication technologies during the period of transformational changes in society. After all, today modern online media, formed and improved through the global network, in the process of displacing traditional types of press from the consumer market, have a strong influence on human consciousness and worldview. As a result of this influence, universal values are also changing. In

this regard, there is a growing need to investigate the problem of the influence of modern media on young people and identify the features of today's information flow, maximize the positive aspects of this process, develop ways to protect against negative aspects and scientifically substantiate their application in practice. Especially in this regard, it is important to form practical proposals for the proper development of youth in these processes, which is the future resource of any society.

Калит сўзлар: трансформацион жараёнлар, ахборот коммуникациялари, компьютер технологиялари, глобаллашув, ғоявий таҳдид, расмий ва норасмий сайтлар, ёшлар, интернет-ОАВ.

Ключевые слова: трансформационные процессы, информационные коммуникации, компьютерные технологии, глобализация, идеологическая угроза, официальные и неформальные сайты, молодежь, интернет-СМИ.

Key words: transformational processes, information communications, computer technology, globalization, ideological threat, official and informal sites, youth, Internet media.

Кириш

Тараққиётнинг янги даврида жамиятда кечаётган трансформацион жараёнлар мавжуд институционал ва ижтимоий тизимлар фаолиятига жиддий таъсир ўтказмоқда. Ахборот коммуникациялари, компьютер технологияларининг жадал ривожланиши фуқаролик жамияти ахборотлашувини сифат жиҳатдан юксалишига олиб келди. Бундай воқелик тараққиётдаги янги босқич – глобаллашув ва ахборотлашган жамият шаклланиши муносабати билан вужудга келадиган ижтимоий, иқтисодий йўналишдаги муаммолар моҳияти ва мазмунини англаш заруриятини вужудга келтиради.

Таҳлил ва мулоҳазалар

Глобал компьютер тармоғининг жадал ривожланиши, унинг аудиторияси тобора кенгайиб бормоқда. Бу тенденция дунё миқёсида кўзатилиб, 1995 йилда жаҳонда интернетдан фойдаланувчилар сони 10 миллион бўлган бўлса, 2005 йилга келиб улар сони 1 миллиарддан ошди ва ушбу кўрсатгичлар кейинги йилларда давомида жадал ошишда давом этмоқда. Глобал интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг сони 2010 йилда 1 млрд. 966 млн. кишини ташкил этган бўлса. Бугунга келиб, интернет 5,4 млрд. кишининг шахслараро муносабатлардаги инновацион ахборот воситаси бўлиб, турли ижтимоий гуруҳлар, жамоатчилик вакиллари муносабатлари, ўзаро алоқасида анъанавий алоқа воситаларини ортда қолдирмоқда[20]. Бундай жадал ўсиш натижасида глобал интернет инсон фаолиятида универсал ижтимоий коммуникация ролини бажармоқда[10, 107-б.].

Жаҳон интернет тармоғи шиддат билан ўсиб бораётган фойдаланувчилари орқали дунё ҳамжамиятини қамраб бориш давомида унинг маълумотлар манбаларининг ҳилма-хиллиги ҳамда ушбу манбаларнинг маълумотларини ишончлилиги, манбаларнинг мақсадлари нуқтаи-назаридан буткул бир-биридан фарқ қилувчи субъектлардан иборат бўлиб бормоқда. Хусусан, глобал тармоқда ахборот тақдим этувчилар сифатида профессионал мутахассислардан ташқари, турли соҳа вакиллари, турли соҳалар экспертлари, малакали ҳисобланмаган коммуникаторлар, махсус маълумотга эга бўлмаган шахслар ҳам фаол иштирок этиши сабабли ахборотлар ҳаққоний ва объективлигига бўлган талабларга кўп ҳолатларда амал қилинмаслигига гувоҳ бўламиз.

Ахборот инсоннинг дунёни билиши, тажрибага эга бўлишдаги асосий воситасидир. Мутахассислар фикрича "Инсон ўзини ўраб олган оламни ўз ҳис-туйғу органлари орқали қабул қилиб олади. Ахборот – одамнинг ташқи дунёга мослашуви жараёнида ундан олган маъноларнинг ифодасидир. Ҳақиқий ҳаёт – ҳақиқий ахборот олиш билан боғлиқдир"[22, 27-29-б.]

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда дунё ОАВларида тарқатилаётган ахборотларнинг 8% холис бўлса, 92% манипуляцияга қаратилгандир[13, 104-б.]. Бу ўз навбатида, замонавий ахборот оқимида фойдалилик омилидан кўра муайян даража таҳдидлиликни намоён этади.

Ахборот ҳамда унинг асосини ташкил этувчи сўз ҳукмронлик ўрнатган бугунги жамиятда инсон онги ва руҳияти манипуляциянинг асосий қурбонларига айланмоқда. "Манипуляция деганда, аксарият ҳолларда, яширин тарзда олиб бориладиган ва табиийки, ўз "қурбонлари"га зиён келтирадиган руҳий таъсир тушунилади" [12, 14-б.].

Айтиш жоизки, XXI аср авлоди катталарнинг йўл-йўриқлари, панд-насиҳатлари, эртаклар, жамоатчилик тарбиясидан кўра оммавий ахборот воситалари орқали оламни англамоқдалар. Бу ҳақида "Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари: халқаро андозалар ва миллий қонунчилик"да "Оммавий ахборот воситалари тўлалигича ҳамда қисман телевидение ва киномотографияда порнография, гиёҳвандлик ва зўравонлик билан боғлиқ материалларни кўрсатишни камайтириши, зўравонлик ва эксплуатацияни салбий тасвирланишини, шунингдек, болалар, аёллар ва шахсий муносабатларнинг қадр-қимматини ҳақоратлайдиган шаклда кўрсатишни чегаралаши, айниқса, эҳтиёт бўлиши ва тенг ҳуқуқлилик принципларида тарғиб этганлиги учун рағбатлантириш лозим" [14, 289-290-б.], деб келтирилган.

Айрим тадқиқотчилар "Бизнинг давримизда билимлар асосан таълим тизими орқали эмас, балки оммавий ахборот воситалари орқали шаклланади" [15, 416-б.], каби фикрларни илгари сурадилар. Телевидение орқали зўравонликни томоша қилиш агрессивликнинг кучайишига, томошабинларнинг зўравонликка нисбатан сезгирлик меъёрининг ортишига, уларнинг ижтимоий борлиқ ҳақидаги нотўғри қарашларининг шаклланишига сабаб бўлади[18, 39-б.].

Бошқа жиҳатдан, мазкур ҳилма-хил контентларни шакллантирувчилар аудиториясининг кенглиги, сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланилган ҳолда маълумотлар алмашинуви жараёнида тил тўсиқларини осон ечим топиши, қолаверса, маълумотларни қўлга киритишдаги қулайликлар глобал тармоқнинг нафақат маълумот тарқатиш, балки илм манбаи, инсонлар дунёқарашини юксалтиришнинг ўзига хос замонавий воситасига ҳам айланиб улгурди. Айнан шу жараёнда глобал ахборот тармоқлари бир қатор қулайликлар яратиши билан бир қаторда, ўзига хос ғоявий таҳдид манбаи, ёт ғоялар тарғиботи воситаси сифатида ҳам намоён бўлмоқда. Бу ҳолат ўз-ўзидан глобал тармоқ ва замонавий ижтимоий тармоқларни кенг жамоатчилик орасида ҳам ижобий, ҳам салбий таъсирлар манбаига айланишига имкон яратмоқда.

Умумий ҳолатда интернет тармоғидаги расмий ва норасмий сайтлар маълумотлари базаси жамоатчилик вакиллари фикри намоён этиши ҳамда катта ҳажмдаги интернет аудиториядаги ижтимоий фикр шаклланишига муайян даражада таъсир ўтказади.

XXI аср бошидаги геосиёсий қарама-қаршиликлар доираси кенгайганлиги тасдиқлайдики, интернет тармоғида ахборот таҳдидлари тобора кенг миқёс касб этиб бормоқда[8, 321-б.]. Шунинг учун ҳам интернет тармоғи ҳозирги жамият учун ахборот хавфсизлигига раҳна солаётган восита, минбар, салбий омил сифатида қабул қилинишини ҳам муайян даражада асосли деб баҳолаш мумкин.

Хусусан, интернет бугунги ёшларнинг асосий маълумот ва ахборот манбаидир. Бу омил ахборотнинг ёшлар дунёқарашини, ҳаётий нуқтаи-назари, фуқаролик позициясини шаклланишида муҳим омилга айланмоқда. Ахборотнинг мазкур, шахс шаклланишига таъсири омилини тадқиқ этиш ва ўрганиш бугунги фаннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб шаклланди.

Таъкидлаш лозимки, жамиятдаги ўзгаришларда коммуникатив технологиялар тараққиёти, оммавий коммуникацияларнинг аудиторияга таъсири муҳим ўрин тутади. Шунинг учун ҳам расмий ва норасмий коммуникацияларнинг жамият янги тараққиёт босқичидаги ўрни, инсон фаолиятига таъсири жараёнлари, вужудга келган янги ахборот ва коммуникацион технологияларининг потенциали, информацион технологиялар ва интернет коммуникацияларнинг яқин келажакда ижтимоий, иқтисодий ҳаётдаги ўрнини